

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

АССАЛОМ, НАВРЎЗ!



А. МАМАТҚУЛОВ коллажи.

Азиз юртдошлар! Санокли кунлардан сўнг мустақил ўлкамизга Наврўзи олам таширф буюради. Гўзаллик, нафосат, эзгулик улашувчи қутлуғ айём барчангизга муборак бўлсин!

ЎШБУ СОҲБА:

Иброҳим Раҳим:

... 9 май - Ғалаба кунини сифатида Ўзбекистонда ҳам байрам қилиб келинди. Бу кунга келиб бу маросимни ислоҳ қилиш заруратининг сабаби қаерда, деб сўрагувчилар топилмоқда. Бунинг жавобини давлат ва жамият тарихию тараққиёти қонуниятларидан изламоқ керак.

«ВАТАНПАРВАРЛАР ЁДГА ОЛИНАДИ»

2

Бунча гўзал, бунча дилга яқинсан баҳор. Сенинг оппоқ кўшигингни, ифори нафасингни жуда соғиндик. Олиб келганинг - Наврўзи олам ўзингга муборак бўлгай, Сизга-да, бизга-да муборак бўлгай!

«БАҲОР КЕТМА БИЗНИНГ БОШЛАРАДАН»

2-3

Онанинг, шифокор аёлининг изтироблари тошни ҳам қон йиғлатади. Афсус, ёмонликни, бадфеъллик иллатларини шифокор муолажаси билан даволаб бўлмайди...

«БОЛАМ ҲАЁТГА ТАШНА ЭДИ»

5



С. Ниёзметова:

...Айниқса, аёлларимизга нисбатан ноҳақликка асло йўл қўйиш мумкин эмас... Биз бутун куч ва шижоатимиз билан бундай ҳолларга йўл қўймаликка ҳаракат қилаверамиз.

АДОЛАТ ВА НАЗОРАТ

6

Турфа олам хабарлари, ҳажвия, кроссворд

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

7-8

• 9 май - Хотира ва қадрлаш куни

ВАТАНПАРВАРЛАР

Халқимизнинг ана шу азалий одатини яхши англаб, уни давлат сиёсати даражасига кўтарган Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикасида 9 майни доимий Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилди ва бу ҳусусда махсус Фармон чиқарди.

Эндликда, шу 1999 йилдан бошлаб ҳар йили 9 май куни бўладиган учрашувларда ўз Ватани, она юрти учун жангларда жон берган, Ўзбекистоннинг озодлиги, ҳуррияти ва мустақиллиги учун қурбон бўлган баҳодир ўғлонлару жасоратли аёлларнинг руҳлоқи ёд этилиб, уларнинг мардона ва қалибона жасоратлари тилга олинадиган ҳақда саналар ўқилади.

Масъулми, фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонилган кун - 9 май собиқ СССРда «ғалаба куни» деб эълон қилинган байрам эди. Бу ғалабада собиқ ўн беш республиканинг бири сифатида бизнинг, ўзбек халқининг ҳам жанговор ҳиссаси катта бўлгани тарих соҳифаларида берилган. Шунинг учун Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида бу сана - 9 май ғалаба куни сифатида Ўзбекистонда ҳам байрам қилинди. Бу кунга келиб бу маросимни ислоҳ қилиш зоруратининг сабаби қаерда, деб сўрагувчилар топилмоқда. Бунинг жавобини давлат ва жамият тарихию тараққиёти қонунийликларидан изламоқ керак.

Масъулми, улуғ ғалабага биз ҳам дахлдор, ҳиссадор эдик. 9 майнинг мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳам байрам қилиниши ўткички даврнинг ўзига хос тактик тадбири сифатида пайдо бўлганди. Ҳозир эса, тарихий вазият ўзгарди, мустақил давлатимиз вояга етди, ўз қуролини кучлари камол топиши сабабли, мамлакатда 14 январь Ватан ҳимоячилари куни деб аталди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, 9 май куни фақат иккинчи жаҳон уруши қурбонларини эмас, балки озодлик йўлида жон берган, қатл қилинган жами ўзбек ватанпарварларининг хотираси ёдга олинди.

Ўзбек халқининг қадимий ва замонавий миллий байрамлари мавжуд. «Мустақиллик куни» - миллий байрамларнинг боши бўлса, Конституция куни кўзию қошидир. Наврўзу Рамазон ва Қурбон ҳайитларимиз ҳам халқимизнинг энг сеvimли бай-

Иброҳим РАҲИМ,
уруш ва меҳнат фахрийси,
халқ ёзувчиси

ЁДГА ОЛИНАДИ

Халқимизнинг яхши удум ва одатлари кўп. Улардан энг муҳими ўтганларни хотирлаб, ҳаётдаги табаррук кишиларни қадрлашдир. Одамзод ўзининг онгли ҳаёти давридаги беш минг йил ичида ўн тўрт минг бор қиронли уруш кўрди. Шу урушларда не-не давлатлари шаҳар-кишлоқлар йўқ бўлиб кетди. Уша қиргинбарот жангларда қурбон бўлган одамларнинг сони ҳозир жаҳонда яшаётган кишилар сонидан неча бор кўпдир. Аммо инсоният у қурбонларнинг бирортасини унутгани йўқ, уларнинг руҳи - покини ёдлаб, ҳар жойда тиловати Қуръон бағишлаб келади. Нотаниш жойларда бажо қилинган Қуръон тиловати ҳам жами ўтганларнинг арвоҳига бағишланади.

рамлари бўлиб қолган.

Дорҳоқиқат, 9 май - «Хотира ва қадрлаш куни» ҳам ўз аҳамияти жиҳатидан тарбиявий рол ўйнайди. Чунки иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқининг салкам икки миллион фарзанди жон олиб, жон берди. Салкам бир миллион йигитимиз юртим, элим, ота-онаму қавм-қариндошим, деб жангларда ҳалок бўлди. Афсуски, жануз уларнинг аник ҳисоби йўқ. Узок юртларда - Россия, Беларусия, Украина ва бошқа Оврўпо давлатларида жасади қолган баҳодирларимизнинг руҳлари ўз она юртлари осмонида айланиб юрибди. Бу беҳиштий руҳлар ортада қолдирган изларини эслаб, хотирлаб, яхши сўзлар билан тилга олиб дуо айлашларига муҳтождурлар. Шаҳид руҳлар қаерда тилга олинса, уша жойда ҳозир нозирдирлар. Ташкентда ва Ўзбекистоннинг бошқа жойларида бунёд этилаётган хотира майдонлари жаннатий руҳларнинг қароргоҳига айлиниб, савоб тарқатувчи зиёратгоҳ бўлиши турсан гап.

Иккинчи жаҳон урушидан қайтган юз минглаб баҳодирларнинг ҳозирда ўндан биричилиги каторимизда табаррук бўлиб юрибди. Уларнинг табарруклиги шундаки, улар шу умри даврида ўч тузум, тўрт ҳаётни кўрдилар. Чоризм зулми заنجирларида тўнлиб, Шўро зўравонлигида кун кечириб, урушлардан қолиб келиб, Шўро даврининг не-не машаққатидан омон чиқиб, «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» каби маломатлар дардини торттиб, мана энди мустақиллик шарофати билан озодлик қуёшидан баҳраманд ашмаққалдор. Улар табаррук бўлмай, кимлар табаррук бўлсин. Уларни ҳар қанча қадрлаб, эъзозласак арзийди. Улар қадри адаб

одамлардирлар.

Шу кунларга келиб, бу табаррук одамларнинг қатори кундан кунга сийрақлашиб кетаяпти. Шу қаторда борларнинг умрини салгина бўлса-да узайтириш учун ҳамма шароитлар яратилаётганидан мамнунмиз.

Хотира майдонининг кўриниши ва қиёфаси тўғрисидаги Президентимизнинг фикр-мулоҳазалари

ҳам менга жуда маъқул. Мотамсаро она маъбудаси образи ҳайқалтарошдан катта санъат ва маҳорат талаб қилади. Она образи мотамда мункайган, умиди узилган азадор мушфиқ эмас, балки марди майдонда она сутини оқлаган, Ватан учун жонини ҳам аямой жасорат кўрсатган баҳодир ўғлонларни етиштиргандин мағрур ҳолда жигарпорасининг руҳини ёдлаётган юрт онаси тимсоли сифатида яратилса, мақсодга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон пойтахти Ташкентда ва Қорақалпоғистон республикаси бош шаҳри Нукусда Хотира майдони яратилишини халқимиз жон-дилидан маъқул топиб қабул қилди. Бу йил 9 май - Хотира ва қадрлаш кунинда маълум 16 февраль воқеаларининг қурбонлари хотираси ҳам ёдлаб ўтилади ва бу байрам озодлик, мустақиллик душмонларига қарши жанговор намойишга айланади. Халқимизнинг 9 май - Хотира ва қадрлаш кунлари оғохликка даъват ва ҳаммиса ҳушёр бўлиш шиори остида ўтади.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг халқ хоҳиш-иродасини инобатга олиб, 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекиши юртдошларимиз кўнглидаги орзу-ниятларнинг амалий ифодаси бўлди. Таҳририятимиз номига келаётган мактублар, кўнгироқлар ҳам бундан далолат бермоқда. Кўйнда улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Василий КАРТАШОВ,
Республика прокуратурасининг бўлим прокурори:

муносабат

- Фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалаба Ўзбекистон халқи учун ҳам қанчалик қимматга тушгани ҳеч кимга сир эмас. Ватандошларимиз уруш кетаётган ўша суронли йилларда фронтда ҳам, фронт ортида ҳам бор-будини фақат ғалаба йўлига тиккан эди.

Уруш қурбонсиз бўлмайдиган, дейишарди. Бу урушда ҳам кимнингдир отаси, кимнингдир ўқаси яна кимнингдир яқин жигари ҳалок бўлди. Жудалик алами бағрини ўртамаган одам қолмади ҳисоб. Шундай экан, уруш яқун топан кунни фақат ғалаба, гурурланиш билан нишонлаб инсофдан бўлмас...

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «9 майни Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармони II Жаҳон уруши қатнашчиси сифатида айтишим мумкинки, яна бир инсоний туйғунинг ифодаланиши, урушдан жабр кўрган минглаб қалбдор дардига дармон бўлди. Менинг назаримда, ушбу Фармон шу пайтгача биз ғалаба куни сифатида нишонлаб келган 9 майнинг қадрини ҳар жиҳатдан оширди. Айниқса, бу ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Эркин БОЗОРОВ,
Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходими:

муносабат

- Менинг бобом ҳам уруш иштирокчиси. Немис-фашистлари ҳужум қилган дастлабки кунларийқ фронтга отланган. Урушнинг борча озоб-қўбатларини бошдан ўтказган.

Биз неваралар, бобомдан уруш хотиралари ҳақида гапириб беришни сўраганимизда, у киши жангдорларга кўрган-кечирган оғирликларини сўзлар экан, ҳар гал ҳикояларини «Болаларим, тинчликдан ўзга саодатлироқ нарса йўқ, уни химоя қилиш, унинг қадрига етиш керак», деган гаплар билан яқунларди.

Энди, бир зиёли одам сифатида бобомнинг бу оддий сўзлари замирида қанчалар маъно муҳассам эканлигини англаб етгандай бўлганам.

Худого шукр, ҳозирда ҳам барчамизга бобомиз бош. Уруш қатнашчилари сони эса тобора камайиб бормоқда. Ана шу нарса ҳаёлдан ўтганда, беихтиёр бобомнинг сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади.

9 май эндиликда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланади. Бу эса оддий инсон сифатида менга ҳам ўтганларни доимо ёдга олиш, тирикларини қадрлаш, бобомдек уруш қатнашчиларини эъзозлаш ҳам бурч, ҳам масъулият эканлигини янада чуқурроқ аниглашди. Одам-одамга қаниматлигини, инсон ортиндан фақат яхши ному, яхши ишлар қолишини эслатади.

Д.ҲАЙИТОВ ёзиб олди.

• Соғинч

«БАҲОР КЕТМА БИЗНИНГ БОШЛАРДАН»

Тўрт фаслни-да тенг ва бетимсал қилиб берган юртимизга баҳорнинг эрка бир шукҳ, тоза нафос ила сонитириб келиши ўзгача гўзал. Қаҳратон қаҳрини синдириб, аямақуз совуғини юмшатиб, қор кўрпасини кўтариб чечакларнинг қулиб туриши, қирларда бодомларнинг нафис гуллаши борлиққа янги кун - Наврўз кириб келаётганини билдиради. Тупроқлар тубида илдирилган тўлғо нади, новдаларда ҳаёт уйғонади.

Кўраётган ҳар бир майса, ҳар бир гиеҳда яшашга, яшарлишга даъват

бордай. Майсалар ширин чайқалиб, атрофга нозик буй таратади. Уйғонаётган боғларга қулоқ тутсангиз сирли, сеҳрли бир шивирларни тинглайсиз. Гўёки, қуртаклар янги кунни бир-бирларига суюнчилаётгандай. Баҳор даракчилари бўлмиш бойчечаклар нигоҳида умид-милтиллайдилар. Оламни шўх қуртакларнинг хандон кулғуси туттади. Майсалар юзидаги шудринларнинг қикир-қикири кўнгилга завақ боғишлайди. Чўққилар узра оқаётган шалолалар шовиллаб, ариқ бўйида ўсган чучмоқани қошғинасига имлайди.

Ногаҳон димоғимга сумалакнинг қадрдон бўлиб қолган, йил бўйи интиқ бўлиб кутган тақрорланмас ифори урилади. Шудринларга чайилган орзуларим мени



узоқ-узакларда қолиб кетган болалигимга етаклайди. «Сумалакдан тош топдим, Бир парча қуёш топдим. Кўксимда ёнди умид, Бир ажиб сирдош топдим». Бехосдан қулоққа чапинган бу қуёш сал бўлса-да болаликка ошно бўлган қалбимнинг нозик пардаларига ўз сеҳрини, балки



Суратда: Нукус шаҳар прокурори А.Низанов (ўнган иккинчи) ва прокурор қатта ёрдамчиси З.Абилов Нукус Давлат университетини ҳуқуқшунослик факультети талабалари билан учрашув ўтказиб айтган пайт.

• Кули давлатдан кули жамиятга

ОҚСОҚОЛ

«Маҳаллага чиқаман!». Биз доим бу хитобни эшитганда хушёр тортамиз. Орамиздаги қандайдир келишмовчилик ёки турмуш ташвишлари туфайли юзга келган зиддиятга барҳам бериш мақсадида айтилган мазкур хитоб аксарият ҳолларда муроса йўлидаги ҳал қилувчи даъват бўлади. Шу билан поёнсиз кўринган муаммолардан узоқлашамиз, бир зумда томонлар муроса йўлига қиради. Халқимиз ориятни устивор қадрият билиб келган. Ҳақиқатдаги қўчага чиқаришдан, ўзаро муносабатлардаги «саргузашт»ларни дастурхон қилишдан оро қилади. Маҳаллада бош кўтариб юриш - эр йигитнинг аъмоли. Ўзбекининг ҳар бир йигити шундай тилак, шундай қатъият билан яшайди.

Чиндан ҳам, ўзбекининг ҳаётини маҳалла-қўйсиз тасаввур қилиш амри маҳол. Маҳаллаларни тартибга солиш, фаоллаштириш, шу билан жамиятдаги ролини ошириш ишига давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралаётганлиги, бу йўлда катта маблағ сарфланаётганлиги, гайрат қилинаётгани шундан.

Бу йўналишдаги фаолиятни ташкиллаштириш ва мувофиқлаштиришда Республика «Маҳалла» жамғармасининг ҳам муносиб улуши бор. Биз яқинда жамғарма томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, уларнинг муаммолари билан кенгроқ танишиш мақсадида жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ депутати, юридик фанлари доктори Шухрат Жалилов хузурда бўлди.

«Маҳалла» жамғармасининг раиси Шухрат Жалилов билан суҳбат

- Биз шу кунларда жамғарма фаолиятини тубдан яхшилаш, ишминини шу кун талаблари даражасида ташкиллаштириш устида ишланаямиз, - дед сўзини бошлади Шухрат Жалилов. - Тўғри, жамғарма бугун ёки кеча ташкил этилгани йўқ. Бир неча йиллар довомида фаолият кўрсатиб келмоқда. Аслида бу ишни анча илгари бошлашимиз керак эди. Бизнинг бепарволигимиз, қоғозбозликка берилиб амалий ишдан узоқлашиб кетганимиз жамғарма фаолиятини янада жонлантиришга тўғонақ бўлиб келди. Баъзи оқсоқолларимиз ҳисобот тайёрлаш, маълумотнома бериш, шунингдек, тўй-ҳашамларга бош-қош бўлиб, тўн

кийишдан ортмай қолишган эди. 16 феврал воқеалари барча қатори бизни ҳам оғохликка даъват этди. Хали амалга оширилиши зорур бўлган тадбирлар, ечимини кутаётган муаммолар бисёрлигини кўрсатди. Биз энди, энг катта камчилигимиз бепарволигимиз эканини яхши англаймиз. Феврал воқеаларининг ижрочилари ҳам маҳаллада яшаган. Кимнингдир кўниси, кимнингдир ҳамқосби ва яна кимнингдир ақаси, уқаси, фарзанди бўлган. Наҳотки, уларнинг кингир қадамлари, бежо ҳаракатларини ҳеч ким пайқамоган дейсиз. Ахир, улар бизнинг атрофимизда, маҳалламизда манфур ниятларини амалга ошириш учун тайёрларлик кўришган-ку! Аммо, биз бепарвоимиз. Аксарият пайтларда ўз ташвишларимиз билан бўлиб, жамият олдидаги масъулиятимизни унутиб қўямиз.

Биз маҳаллаларда жамоат назоратини кучайтириш ишини маҳаллани ўрганишдан бошладик. Республикаимизнинг ҳар бир маҳалласида «Маҳалла паспорти»ни тузаямиз. Бу паспортта шу маҳалла тўғрисидаги барча

маълумотлар киритилади. Шу ҳудудда яшовчи, ҳар бир фуқаронинг ёши, ижтимоий келиб чиқиши ва мовқеи, касб-қори, қизиқишлари, даромад ҳамда харажат манбалари каби қатор маълумотлар жамланади. Биз шу паспорт орқали маҳалладаги кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотганлар, вояга етмаганлар, нафақадорлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, торбияси оғир ўсмирлар ва ҳоказоларни аниқ билиб олиш имкониятига эга бўламиз. Энг муҳими, ким билан, қайси масалада ва қандай ишлаш зарурлигини биламиз.

- Шухрат Илҳомович, хабарингиз бор, маҳаллаларга давлат томонидан қатта эътибор қаратилмоқда. Тегишли фармойлар, қарорлар қабул қилинди...

- Чиндан ҳам, қисса вақт ичида қадриятларимизнинг нодир дурдонаси, демократик тарзда бошқаришнинг азалий халқчил шакли-маҳаллага оид зорур давлат ҳужжатлари қабул қилинди. Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марока ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида фармони эълон қилинди. Унда бундай тадбирларни ўтказишда дабдабозлик, орқича исрофгарчиликка барҳам бериш, миллий аъёнларимизга қатъий риоя қилиш лозимлиги белгиланган берилди. Иккинчи муҳим ҳужжат - Олий Мажлисининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бўлди. Ҳар иккала ҳужжат ҳам жамоатчилик тамонидан илиқ кутиб олинди. Кенг муҳокама қилинди. Уларда белгиланган муҳим вазифаларни бажаришда маҳалланинг аҳамиятига алоҳида ургу берилган. Бу ҳужжатлар олдимизда турган долзарб вазифаларни белгилаб бериш билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳаллалар обрўсини янада оширишга, ҳуқуқларини кенгайтиришга, давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини жамоат ташкилотларига аста-секин олиб беришга

қаратилган катта амалий, ташкилий тадбир бўлди.

Халқимизда «Кенгашли тўй тарқамас» деган нақл бор. Шу ибратли нақлга амал қилиб, мазкур ҳужжатлар эълон қилинганидан сўнг жамғарманинг республика бошқаруви жамоатчилик кенгашини туздик. Кенгашга, бир

сарфлаган афзал эмасми?

Олий Мажлисининг ўтган сессиясида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Қонун лойиҳасининг 10-моддасида фуқаролар йиғини «тўйлар ва

МАҲАЛЛАНING ОТАСИ

сўз билан айтганда, фахрли жамоатчи номига муносиб олимлар, мутахассислар, элшунослар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, амалиётчилар, кўпни кўрган оқсоқоллар, шунингдек, нодавлат идораларнинг, жамғармаларнинг вакиллари аъзоликка сайландилар. Шу билан бирга, бизнинг ташаббусимиз билан, республика хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» маркази, Мусулмонлар идораси, Маданият ишлари вазирлиги, «Мазновият ва маърифат» маркази ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенгаш ўтказилди. Кенгаш якунида борча жамоат ташкилотлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни қонунга риоя қилган ҳолда ташкилий жиҳатдан пухта ўтказишни аниқ тадбирларни ишлаб чиқилди. Бу тадбир ҳокимликларнинг амалий ёрдами билан юксак савияда ўтказилди.

- Сайловда оқсоқоллар сайланди. Эзу юрт уларга ишонар бидирдир. Бугуннинг оқсоқоли ким?

- Олий Мажлис қарориде кўрсатилганидек, бугуннинг оқсоқоли, ташкилотчилик қабилити ва катта обрў-эътиборга, етарли билим даражасига эга бўлган, янги демократик қадриятларни тез ўзлаштира олувчи, фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ва уларни амалга оширишни таъминлашга қодир одамдир. Оқсоқол - маҳалланинг отаси. Маҳалла оқсоқолининг айтгани-айтган, дегани-деган. У маҳаллодошлари қувонганда қувонадиган, гаму ташвишида шерик бўладиган суянчиқдир. У барча билан бир тилда гаплаша олиши керак. Назаримда, оқсоқолларимиз халқ ишончини оқлайди. Зеро, улар халқ имтихонидан ўтган фахрли жамоатчиларимиздир.

- Шухрат Илҳомович, Президентимиз «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобда «Ахир тўқиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб курса бўлади-ку! Ахир шу мактабда беона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртанга сизу бизнинг ўрнимизга келади-ган, чирогимизни ёқадиган, шу ватанга эгаллик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!» дегандилар.

- Халқимиз «Тўйга етказсин!» дейди. Қувончи кунлар, тўйлар кўп бўлишини орзу қилиб яшайди. Тўй эънинг дуосини олиш, ювончли кунда эл билан бирга бўлиш учун қилинади. Аммо кейинги пайтларда айрим юртдошларимиз «тўй пойғасини» бошлаб юборишганди. Тўй элу юртга нимага қодирлигию, молу дунёси қанчалигини кўрсатиб қўйиш воситасига айланиб бораётганди. Айтинчи, орқича дабдабозлик, исрофгарчилик бизнинг қайси аъёнларимизга тўғри келади. Бундан кўра, орқича пулни Президентимиз таъкидлаганларидек, халққа илм берадиган маърифат даргоҳларини қуришга

бошқа маросимларни ўтказишнинг номунавий тартибини белгилайди» дейилган. Агар бу қонун Олий Мажлис сессиясида тасдиқланса, тўйлар ҳудуд жамоатчилик назорати устидан қоғалтланади.

- Яна бир масала. Баъзи маҳаллаларда уч-тўртта мажидлар қурилган. Тўғри, катталарга масжид керак. Аммо қуруқ савлат тўқиб турган мажиддан нима фойда. Бундай мажидларнинг бир қисми айрим саховатпеша инсонларнинг маблағлари ҳисобига тикланган. Фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллари, фаоллари савобталаб инсонларнинг маблағларини мактаблар, касалхоналар, кўрик ва гузарлар қурилишига сарфлашга бош-қош бўлишса...

- Фиррингизни тушундим. Биз бу масалада оқсоқоллар билан масоҳатлашиб қўйдик. Энди элу юрт ташвиши билан яшайдиган хиймати балонд инсонларнинг хайрия маблағлари биринчи галда маъновият-маърифат масканлари қурилишига, маҳаллани ободонлаштириш ва албатта, кам таъминланган, моддий кўмакка муҳтож оилаларга сарфланади.

Сўз маблағ масаласига бориб тақалар экан, маҳаллаларнинг иқтисодий имкониятлари ҳақида гапириб ўтсам. Республикаимизда ўн мингдан орқича маҳалла бўлиб, шуларнинг аксарияти мустақил ҳисоб рақамига эга. Мақбл хайрия тушумларидан ташқари, маҳаллада кичик ишлаб чиқариш корхоналари, совдо ва маънавий хизмат шахобчалари ташкил этиш ҳисобига тўпланади. Бу иш республикаимизнинг кўпчилик маҳаллаларда бошлаб юборилган. Маҳалла гузаринда совдо дўкони, сартароҳона, этикдўзлик устаноси ва имкониятдан келиб чиқиб ишлаб чиқариш корхоналари очиб тобора оммалашиб бормоқда. Давлат томонидан катта имтиёз берилган, яъни маҳалла уч йил давомида барча тур солиқлардан озод этилади.

Шу кунларда яна бир тажриба - маблағ манбаи оммалашмоқда. Агар маҳаллада яшовчи фуқаролар барча тур коммунал хизмат ҳақларини ойма-ой вақтида тўлаб боришса, оқсоқол ва унинг ёрдамчи фаоллари шу ишни ташкиллаштирса, ундирилган пулни маълум физик маҳалла ихтиёрига берилади. Шойхонтоҳур тумани мисолида бу масала ташкил қилиб кўрдик. Шу тадбир ушшоқлик билан амалга оширилган тақдирда ҳар бир маҳаллага ўрта ҳисобда 200-300 минг сўм маблағ қолар экан. Бу маблағни кенгашган ҳолда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, меҳнатга яроқсиз фуқароларга ёрдам сифатида ёки низом жамғармаси ўрнида бирор корхона ташкил этишга сарфлаш мумкин.

Бозорбой УЛЛИБОЕВ
суҳбатлашди.

меҳрини тўкиб кетади. Мен эса хоёлининг майин титроқларига бўйсунган ҳолда бойчечакнинг оппоқ рангларига сингиб кеттим келади.

Айтишларича, сумалак сузилгач, кимнинг қосасидан тош қичқа ўша кишига бахт ва омад кулиб боқар эмиш. Мен эса болаликда момолар сузиб берган сумалақдан чиққан тошни ҳоли-ҳали осраб-овайлойман. Гоҳида кафтимга олиб ҳеч кимга айтмаган сирларимни унга сўзлайман.

«Мўъжизали мўъжаз тош, Йўлларимда бўл йўлдош. Бир умр муштоқ ўтдим, Туғайди тоғдек бардош».

Ногаҳон димоғимда яна сумалақнинг ҳиди. Не бахтим, турналар қанотида яширинган бахтим бор менинг. Яшаш, яшамоқ нақадар завқли, тирпилик нақадар тотли. Бунча гўзал, бунча дилга яқинсан баҳор. Сенинг оппоқ қўшигингни, ифорли нафосингни жуда соғиндик. Олиб келганинг Наврўзи олам ўзинга муборак бўлғой, бизга-да, сизга-да муборак бўлғой, азизлар. Зеро, ҳофиз қуйлаганидек, «Баҳор кетма бизнинг бошлардан...»

Жаҳонгир ШАРОФБОВ.



«Хар баҳорда шу бўлар тақор...»
А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

ли чуккур текширилганда қонун талаблари кўпол ровишда бузилаётгани аниқланди. Интернетда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига зид ровишда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган мутахассислар ҳам таълим-тарбия ишига жалб этилган. Интернет цех мудири В.Ткачук моддий бўлган қурилиш материалларини ўзи уйига ташиган. Лекин текни текшириб чиқди. У мактабга моддий зорар etkazгани учун жиноий жавобгарликка тортилды. Аниқланган камчиликларни тугатиш ҳақида вилоят ҳалқ таълими бошқармасига тақдимнома юборилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ҳам доимо прокуратура назоратида турибди. Утган йили экинларни пайхон қилишнинг олдини олишга оид текширувларимиз натижасида А.Икромов номли жамоа ҳўжалигида 8 та, Навоий номли ҳўжалигида 5 та, «Қаҳрамон», «Қонқа», «Оққўрган» ҳўжаликларидан 4 ноҳуш ҳодиса рўй берганлиги аниқланиб, айбдорларга нисбатан жиддий қоралор кўрилди.

Айниқса, озиқ-овқат савдосидаги камчиликлар юзасидан фуқаролардан кўп шикоятлар тушмоқда. Бу бежиз эмас. Негаки, айрим кингир қўлли сотувчилор ўз «фойдасига» ишламоқдалор. Масалан, бир гуруҳ оқоқолларнинг шикояти юзасидан

Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиги ҳудудидаги 25-дўконни текшириганимизда мудиранинг ўрнига эри ишлиб турганлигининг гувоҳи бўлдик. Суриштирсак, унинг савдо ишига умуман алоқаси йўқ экан. Боз устига унда тиббий кўрикдан ўтганлигини қайд этувчи ҳўжжати ҳам йўқ. Дўконда касса аппарати ишламайди, турли маҳсулотлар бозордан олиб келиниб сотилмоқда.

Ақмал Икромов ҳўжалигидаги 2-ва 21-дўконлардаги оҳвол ҳам ундан қолишмайди.

Айниқса, сифатсиз маҳсулотларни сотиш жиддий ташвиш уйғотади. Озиқ-овқат савдоси соҳасидаги бундай камчиликлар фуқароларимизнинг соғлиғига путур etkazиши мумкин. Аниқланган камчиликларни тугатишга қоратилган шошилинч тадбирлар белгиланди.

Туманда прокурор назоратини кучайтиришда шубҳасиз, фуқароларнинг хот ва аризалари, оғзаки мурожаатларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Жумладан, улар меҳнат ҳоқи ва нафақа олиш, ер ва мулкни талон-тарож қилиш, уй-жой тўғрисидаги қонунларнинг бузилаётганлиги ва бошқа шунга ўхшаш масалалор юзасидан шикоятлар қилишган. Прокуратурамиз ҳодимлари бундай мурожаатларни эътиборсиз қолдирмаптилар. Масалан, К.Холбоев ва А.Эргашев туман прокурорига

ёзган аризасида, уларнинг 2 та оти номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилгани, лекин бу ҳақида туман ИИБга мурожаат қилган бўлишига қарамай, от ўғирлари топилмаётганлиги хусусида ёзган эдилор. Мазкур ариза бўйича текширув ўтказган туман прокуратураси ИИБнинг бу ишга масъул бўлган ҳодимларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор қабул қилди.

Туманимиз прокуратураси ўз фаолиятида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйганидан кўз юмиб ўталаймиз. Утган йили айрим қонунларнинг бажарилиши устидан етарли назорат олиб боришга улгурмадик. Бу камчиликларни тўла бартараф этиш, прокурор назорати самарадорлигини янада оширишга оид муҳим тадбирларни белгилади.

Бахтиёр Хўжаев,
Тошкент вилояти Оққўрган тумани прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси.



Суратда: Олмалиқ шаҳар прокурорининг ёрдамчилари Рибек Тожибоев ва Валентина Пақлар иш устида.

А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

• Бир йилдан кейин мавзуга қайтиб

Ҳеч бир ота-онани «болам!» дегудик қилмасин экан. Не кўргудик эдик, тақдир азал Тамара опани шундай қисмат ёзганига дучор эдик. Бу асоблари камлик қилганидек, ёлғиз углининг йигирмаси ўтиб-ўтмай қизлари аввал «Хуқуқ» газетасини кутариб, йиллаб келишди! «У камизин олган қарзини вақтида қайтармагани учун пичоқлаб кетган» деб ёзилишиди! Бу энди ўлганининг устига тепган эди. Бу энди оила шаънига иснод эди. Сал ўтмай ушбу давронни «Постда» ва «Тошкент оқшоми» газеталари уша муаллиф - М.Абдуллаев тилидан «қайд» эди. Бу мақолалардаги ҳали исботини топмасдан эълон қилиб юборилган ноҳақ кўргазмалар навқирон ёлғиз угаидан ажралган, боласи улган кўни руҳан улиб булган онанинг мисоли жонсиз танасига яна пичоқ санчгандай бўлди. Қўни-қўшнлар, маҳалла-қўй, ҳатто фарзандлари урта мактабни фақат медал билан битирадиган Файзиевлор хонадонидан (Оиладаги беш фарзанднинг бариси урта мактабни медал билан тугатган) фахрланиб юрадиган мактаб жамоаси ҳам ҳайрон.

Бу орада тергов тугаб, иш судга оширилди, деган миш-мишлар чиқиб қолди. Маъшум воқеанинг бевосита гувоҳи бўлиш Тамара опа ва келишини уша 15 феврал кўни эрталаб

суроқ қилиб кетишганларича, кейинчадик, терговчи келиб келинига қандайдир бир қозога қўл қўйдириб кетганини эътиборга олмаганда, бошқа безовта қилишмаган эди.

Онанинг кўнлига шубҳа ўрмалди: ҳар ҳолда газеталарда воқеани бўзиб талқин этилиши, терговчининг воқеа жойини келиб кўрмаганлиги ва асосий гувоҳларни бир марта ҳам суроққа чақирмаганлиги Тамара

учиб кетди. Равшанинг Б.Рафиқовдан катта миқдорда қардор бўлиб қолганиги ҳам бирон-бир далил билан тасдиқланмади. Прокуратурадан берилган охириги хатда шундай сўзлар ёзилган: «Тошкент шаҳар судининг 1998 йил 6 октябрдаги ҳукми билан Б.Рафиқов Жиноят кодексни 97-моддасининг 2-қисми «ж», «н» бандларига асосан ўлим жазосига маҳкум этилган. Ўзбекистон Респуб-

«БОЛАМ ҲАЁТГА ТАШНА ЭДИ»

опани безовта қилади. Тошкент шаҳар судига оширилган жойида жиноят иши билан танишгач, шубҳалари бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қилди ва адолат истаб юқори идораларга ариза ёзди.

Юқори прокуратура идораларининг кўрсатмаси билан ушбу жиноят иши Тошкент шаҳар судидан чақириб олинди.

...1998 йилнинг 14 февралдан 15 февралга утар кечаси дарвозахонанинг қоронғу йўлагида - ҳовлида, Тамара опа ва келишининг кўз олдига қотилик ниҳоясига etkazилган эди.

- Улганининг жон ҳолатда «опа» деб бақирганидан кейин ҳованга югуриб чиқсам, Равшан букчайиб қолган. Барзандикдек бир йилгит чап қўли билан унинг ёқасидан бутғиб олган. Болам бечора «Баҳром ака, урманг!» дея олди ҳолос. Мен, низимдан чопиб чиққан келиним чирқилаб баттоланинг қўлига епишдик. Қани энди ажратиб ололсак. Йлқаш, 15 миң доллар олиб чиқ, дейди. Бизда бунча пул нима қилсин, боримизни ол, ўлганга тегма деб роса ялиндим. Участкеси, машинаси бор одамда 15 миң доллар бўмайди, деб кўз унгимизда болагинимнинг бўйнига, жон-жойларига пичоқ тортиб, уч жойга судради ва улганга ишонч ҳосил қилгач, ичкаридан қўлаб олинган дарвозанинг илагини очиб, қочиб кетди. Бизнинг кўрсатмамиз билан эртаси кунгек милиция қотил Баҳром Рафиқовни ушлаб олишганини эшитдик.

Тамара опанинг талаби билан жиноят иши тажрибали, бурчига садоқатли терговчи қўлига ўтгач, «Баҳром шуурсиз ҳолатда қотилик қилган (қизик, нима учундир биринчи экспертиза уни шуурсиз, яъни телба деб ҳулоса берган), деган сохта ҳулосалар ҳам совуи қўлигидек

ликаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати 1999 йил 28 январдаги ажрими билан ушбу ҳукми уш кўчига қолдирган».

Адолат қарор топди. Лекин ҳай аттанг! Улган одамни қайтариб бўлмас экан.

Тамара опа Орифжонова бу ҳулосаларни тилида эмас, балки дилидан кўзидеки, миңг бир асоблар билан утказаятгандай туюлди. Онанинг, шифокор аёлининг изтироблари тошини ҳам қон йилғлатди. Афсус, ёмонликни, бадфеъалик илатларини шифокор муолажаси билан даволаб бўламайдик. Буниг учун жамийнинг барча аъзолари тараққийнинг юксак погонасига кўтарилиши шарт. Шу ҳаёллар билан Тамара опа бизга тақдим этган ҳўжжатларни варақлаймиз. Суратдаги йилгит бизга самимий тиклиб турар эди.

Равшан Файзиев урта мактабни кумуш медал билан тугатган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битириб, олий маълумотан муҳандис мутахассисининг олган. Ҳарбий хизматни утаган. Раҳматкан отаси, Ўзбекистон телерадиокорпорациясида кўп йиллар соавонлик қилган Ҳакимжон Файзиевнинг изидан бориб, ўзи ҳам ансамбль тузиб олган эди. Унга мактабдан, маҳалладан берилган тавсифномаларни ўқиб, эъсиз, шундай йилгит увол кетибдида, деган оғир уй билан яна Равшан Файзиевнинг суратини қўлга оламиз.

Энди ундан ўттиз ёшлардаги навқирон йилгит: «Мен хонадонингизга яхшилик, нуру улашмоқчи эдим», дегандай самимий тиклиб турар эди.

Ҳеч кимни эрта кетгудик қилмасин экан.

А.АБДУХОЛИҚОВ.



Озод элининг фарзандларимиз.

А.МАМАТҚУЛОВ суратлари.



• Ишон ҳуқуқлари қонуни ҳимоясида

Жаҳон ҳамжамиятида тобора ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бораётган мамлакатимиз нафақат иқтисодий, балки, ижтимоий сийёсий жиҳатдан ҳам йил сайин ўз нуфузини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Шу жумладан, тараққиётга элтувчи бош тамойиллардан ҳисобланмиш қонуни устиворлигига эришишда ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилаяпти. Шу нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлса, республика прокуратураси, жумладан, Тошкент шаҳар прокуратурасида судларда фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш борасида эришилган муваффақиятлар, тўплаган ижобий тажриба эътиборга моликдир. Айниқса, Оила йили сифатида ўтган 1998 йилда фуқаролик ишларининг кўрилишига алоҳида аҳамият берилди. Судларда қонуний қарорлар қабул қилиниши ҳамда уларнинг тўлиқ ижросини таъминлашда прокурорлик нозорати кучайтирилди.

Жойларда республика Бош прокурорининг «Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш ҳақида»ги буйруғи бажорилишининг таъминлашига жиддий эътибор берилди. Агар ўтган йили шаҳар судида кассация тартибиде 696 иш кўрилган бўлса, уларнинг 273 тасида асоссиз қабул қилинган қарорлар бекор қилинди. 159 таси эса бевосита прокурорларнинг кассация про-



бўлим мутахассисларининг ўз устида ишлашларига алоҳида эътибор берилди. Уларнинг ўз устида кўпроқ ишлашлари, ўқиш ва элзонишлари учун етарли шарт-шароит яратилди. Бўлимнинг тезкор йиғилишларида ходимлар томонидан тайёрланган рефератларни муҳокама этиш одат тусига киритилди.

1999 йилнинг юртбошимиз томонидан Аёллар йили, деб эълон қилиниши азиз онахонларимиз, кадрли опа-сингилларимиз ҳурмати ва иззатини яна бир қарра ошириб юборди. Бу кутлуг йилда биз прокуратура ходимлари зиммасига ҳам аёллар ҳуқуқини, шазини ҳимоя қилишдек улкан масъулият юкланган. Аммо, афсуски, қонунбузарлик ҳоллари содир этилишида айбдор ҳисобланганлар орасида оз бўлса-да аёлларимиз ҳам учраб турибди. Лекин аксарият ҳолларда аёлларимиз жабрдий-да сифатида ариза ва шикоятлар билан мурожаат этмоқдалар. Ҳурмати Президентимиз алоҳида таъкидлаб айтганларидек:

«Бизнинг халқимиз жуда оли-

АДОЛАТ ВА НАЗОРАТ

тестлари билан ножоиз деб топилди.

Юқорида таъкидланганидек, кассация босқичида жами 696 та иш кўрилган бўлса, уларнинг барчасида прокурор иштироки тўлиқ таъминланди.

Шаҳар судининг кассация босқичида прокурор иштироки таъминлаши сўзсиз ўз самарасини берди. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, масала янада ойдинлашди. Ўтган йилда ишга тиклаш ҳақидаги 39 та, уй-жойдан кўчириш ҳақидаги (бошқа бошпана билан таъминланмасдан) 78 та, мулкни давлат рўйхатидан ўчиришга оид 6 та, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳусусида 2 та, давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг фойриқонуний ҳаракатлари устидан берилган 8 та шикоят юзасидан кўрилган ишларда прокурорларнинг бевосита иштироки тўғри ва қонуний қарорлар қабул қилинишини таъминлади.

Бундан ташқари фуқароларнинг мурожаатлари орасида 508 та иш алоҳида кўриб чиқилди ва нозорат тартибиде 111 та протест келтирилди. Шаҳар суди раёсати томонидан уларнинг 96 таси кўриб чиқилиб, 86 таси қаноатлантирилди.

Бўлимимиз фаолиятини ҳар томонлама кенгайтириш мақсадида шаҳар прокуратурасининг бошқа бўлими билан ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Айниқса,

умумий нозорат бўлими билан яқин алоқада иш олиб борилгани яхши самара берди.

Масалан, Сирғали тумани судининг дэвовагор А.Машенскийнинг жавобгор А.Банновага нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги фуқаролик иши юзасидан ўтказилган текширишда уй олди-сотди шартномасида оник сана кўрсатилмаганлиги, А.Баннованинг имзоси унинг бошқа ҳужжатлардаги имзоларига тўғри келмаслиги каби бир қатор қонунга зид ҳолатлар аниқланди. Текшириш натижаларига кўра жинорий иш кўзга тилиди. Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими томонидан Сирғали туман судининг 1997 йил 12 мартдаги қарорини бекор қилиш ҳамда фуқаролик ишини тугатиш ҳақида 1998 йилнинг 20 июлида протест келтирилди. Протест Тошкент шаҳар суди Раёсати томонидан қаноатлантирилди.

Оила йилида бўлимимизга 816 нафар фуқародан ариза ва шикоятлар келиб тушди. Шулардан 404 таси бевосита бўлимимиз ходимлари томонидан ҳал этилди. 38 таси қаноатлантирилди. 101 таси бошқа муассасаларга, 227 таси эса қонуний ҳал этиш учун туман прокуратураларига юборилди.

Маълумки, ҳар қандай ишнинг муваффақияти унинг қий даражада амалга оширилганига боғлиқ. Шу боис, йил довомида

жаноб, унча-мунча қийинчиликларни пиланд қилмайдиган, ҳар нарсадан ҳам нолийвермайдиган халқ. Лекин азиз биродарлар, тушунинглар, ҳар қандай сабр-тоқатнинг ҳам чеки-чегараси бор. Халқимизнинг бундай тантилигини, бағри кенглигини сунистеъмом қилмаслик керак.

Халқимизга берилган ушбу ҳаққоний баҳога ҳам ҳуқуқшунос, ҳам оддий бир аёл сифатида шуни қўшимча қилмоқчиманки, айниқса, аёлларимизга нисбатан ноҳақликка асло йўл қўйиш мумкин эмас. Ва, биз, бутун куч ва шижоатимиз билан бундай ҳолларга асло йўл қўймайликка ҳаракат қилаверамиз.

С. НИЙЕМТОВА,
 Тошкент шаҳар прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи.

• Ас садо

Сен яхши қизсан, Мўътабар

Ассалому алайкум, «Ҳуқуқ» газетасининг таҳририяти! Мен газетангизни, ҳар бир янги сонини орзиқиб кутаман. Газета менинг маслаҳатгўйимга айланган десам муболага эмас. «Ҳуқуқ»нинг 1999 йил 17 феврал сонидеги «Дардим сиғмас дунёга...» мақоласини ўқиб қалбим ларзага келди. Қўлимга қалам олиб, дил изҳорини ёзишга жазм қилдим.

Ешим 55 да. Ҳаёт қувончлари ва тавишларини бошимдан кечирганман. Икки қиз, икки ўғлининг отасиман. Яратганга шукрлар бўлсинки, дориломон замонада яшаймиз. Ҳалол, пок, ор-номусли, иймон-этиқодли, билмез чанқоқ ёшлар учун барча шарт-шароит муҳайё. Ҳоҳласа, чет элларга бориб ўқини имкониятга эга. Лекин тўқликка шўхлик қилиб, ўз қадр-қиммати, ор-номусини оёқост қилаётган ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Шарм-ҳайси, меҳнатга бўйин эгмайдиған йеити - қиз борадиган жойнинг охири вой. Уларни тарбиялаған ота-оналари ҳам кўпчилик олдиде надоматлар кечизи турған ган.

Мўътабарнинг мактубини ўқиган ҳар бир газетехон ўз фикр-мулоҳазасини изҳор қилиб, унга маънавий мадад бериши шубҳасиз.

Мўътабар мактубида: «Уйлаб-уйлаб, бош берган бахтим, пушаймонларим ҳақида Сизларга ёзиб юборишга аҳд қилдим. Зора, бойликка, ҳаёт лаззатларига енел-ели йўл билан эришмоқчи бўлган тенқуларимга менинг тақдирим сабоқ бўлса», - деб ёзди.

Мўътабар Ортиқованинг нопок йўлга киришига қўшмачи аёл сабаб бўлган. Ун сулидан бир гули очилмаган норасида қизни беҳаёлик кўчмасига бошлаған, оналик шағнига иснод келтирган Эътибор қилмиши учун қону

• Тадбир

МАЛАКА ВА КАСБ МАҲОРАТИ

Хоразм вилоят прокуратурасида прокурор-тергов ходимларининг малакаси ва касб маҳоратини ошириш юзасидан семинар машғулотлари ўтказилди.

Вилоят прокурорининг ташкилий-нозорат ва тахлилат бўйича катта ёрдамчиси Н.Холматов туман ва шаҳар прокуратураларида ишни ташкил қилиш тартиби тўғрисида маъруза қилар экан, ишни тўғри ташкил этиш прокурорлик фаолиятининг барча йўналишларида самарага эришишнинг муҳим гарови эканлигига тўхтади. «Иш тўғри ташкил этилмаган жойда ҳеч бир прокурор қонунчиликка риоя қилиниши ва жиноятчиликнинг ҳақиқий аҳволидан воқиф бўлмайди. Ишни ташкил этишда барча соҳода прокурорлик нозоратини таъминлашга, жиноятчиликнинг олдини олиш, иқтисодий ва жиноятчиликнинг билан боғлиқ тадбирлар, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари таҳлили, тергов, суд амалиётига оид масалаларга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Семинарда прокурорлик таъсир чоралари ҳужжатларини сифати тайёрлаш услублари ҳақида вилоят прокуратурасининг умумий нозорат бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи М.Асхадуллин атофлича фикр юртиди. Ўзбекистон республикаси Бош прокурорининг 1997 йил 28 майдаги «Қонуни устиворлигини таъминлашда прокуратура идораларининг умумий нозорат фаолиятини ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳақида»ги буйруғини бажариш юзасидан ўтказилаётган текширишлар натижалари бўйича тегишли прокурорлик таъсир-чоралари қўлланилапти. Бундай прокурорлик таъсир чора ҳужжатларининг сифати ва самарадорлигига эришиш энг аввало, кадрларнинг салоҳиятига, билими ва малакасига боғлиқ, деди у ўз сўзида.

Шунингдек, семинар машғулотиде вилоят прокурорининг ёрдамчиси О.Рўзимов «Ички ҳавфсизликни таъминлаш инспекцияси» Низомидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида, вилоят прокурорининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича катта ёрдамчиси О.Ҳайитбоев «Давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектларга етказилган зарарларни ундириш ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг ижроси устидан прокурорлик нозоратини самарали ташкил этиш услублари тўғрисида», судларда ҳўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Г.Машарипова «Ўзбекистон республикаси Президентининг «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан прокурорлик нозоратини ташкил этиш услублари ҳақида» маъруза қилди.

Семинар катнашчилари ўзaro фикр алмашиб, тажрибаларини ўртоқлашди. Машғулотларда вилоят прокуратураси ходимлари, шаҳар ва туман прокурорлари, уларнинг ўринбасарлари, ёрдамчилари, терговчилар ва ёш мутахассислар иштирок этдилар.

А.ОРТИҚОВЕВ,
 «Ҳуқуқ» муҳбири.



Баҳор секинчилари.

А. МАМАТКУЛОВ сурати.

Абдунаби ОРИПОВ,
 Республика Саломатлик
 маркази ходими.

• Турфа олам

ХАТАРЛИ КЕЧА

Одатда янги йил нишонланадиган кечада барча жиноятчилар дам олиб, узкуварларга ҳам шундай имконият яратилса, 2000-йил кутиб олинмаган оқшомда жиноятлар миқдори кескин даражада ўсиши кутмайми. Аниқ далилларга асосланган ҳолда ушбу хулоса асосида шилаб чиқилган «2000-йил тунду талбирлаша биргина Буюк Британия полициясининг 1400 нафар узкувари иш-тироқ этади.

Тахминларга кўра, компьютер сирларидан бохабар маълумоти бошқинчилар янги йил арафасида банклар, савдо марказлари ҳамда бошқа молия идораларидаги компьютерларнинг кадришидан фойдаланиб, электрон тунашга қўл урадилар. Натижада, катта миқдордаги маблағлар тақдир уларнинг қўлига ўтиб қолиши мумкин. Шу боисдан, янги асра бир ҳафта қолганда урта минтақавий ва 40 дан ортиқ ҳарбий базалар бу ишни назорат қилишга жалб этилиб, барча байрамлар ўтказилгандан сўнг тадбир бекор қилинади.

МУШУКНИ

ҚУВУРГАНИ УЧУН

Канаданинг Калгары шаҳрида яшовчи ўн саккиз ёшли фуқаро ўз мушугини микротўқунли печада қувургани учун суд олдида жавоб беришига тўғри келмоқда.

Бу воқеа аксарият канадаликларни, асосан, уй ҳайвонларига нисбатан меҳри билан қишлоқлик қаттиқ ҳаётини солди.

Яна шу нарсага айтиб ўтиш жоизки, мамлакатда дайди кучук ёки мушукларни урчатиш амри маҳол. Олдин уй мушугининг баҳоси ўртача 100 Канада доллари миқдорда туради.

СУДДАГИ НИКОҲ

Исроил армиясининг икки ҳарбий хизматчиси - йигит ва қиз наркотик модала истеъмол қилганликда айбланмоқда. У з шергунининг курсатмалари асосида деб топилгани учун судланувчи йигит гаприоадиий йул тутмаи. У суд эвлининг ўзида қизнинг қўлини сўраб, унга қалбини узҳор этмаи. Унинг хизматдош аўстлари эса никоҳда гувоҳ бўлишга тайёр эканликларини билдиришмаи.

Исроил қонунарига мувофиқ, қотиннинг эрига нисбатан берган кўрсатмалари суд томонидан эътироф этилмади. Бундан боши каттан судья ҳарбийлар ўртасида тузиладиган никоҳ масаласида армия бош қўмондонига сўровнома жўнатди. Ҳозирча расмий жавоб олингани йўқ.

• Нигоҳ

Америка - чекланмаган имкониятлар мамлакати, жиноятчилик миқёсида ҳам шундай. Ҳукумат ҳар йили фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш учун 50 миллиард долларга яқин маблағ сарфлайди.

Айроқ, шунга қарамай жиноятлар сони йил сайин ўсиб бормоқда. Бу АҚШнинг «кўшли жаннат» - Флорида штатида ҳам тегишли. Бу ерга таширф буюрган юз минглаб сайёҳлар жиноятчилик таъсирдан озор чекмоқдалар.

Штатдаги бу аҳвол ончадан бўён ҳуқуқ-тартибот идоралари экспертларининг эътиборини жалб этган. Ҳў, ўзи нима гап? Бу ерда аини дамда бутун АҚШда оммавийлаштирилши

• Қадриятларимиз

НАВРҮЗ КҮНЛАРИДА

Наврўз кунларида одамлар боғ-роғларни тартибга солиш, далаларни экишга тайёрлаш, арик-зовурларни тузатиш, уруғлик, ўғит ва кўчатларни ҳозирлаш, дала шийонлари, асбоб-ускуналар ва бошқаларни кўздан кечириш юмушлари билан банд бўладилар. Шаҳар жойларда эса йўлга ва хиёбонлар, кўча-кўй, ҳовлижойлар тартибга келтирилади, умумсаҳалла ҳашоралари лўказилади. Бунда айниқса, уйда эркак йўқ, бева-бечораларга сидқидилдан ёрдам берилади. Шаҳар ва қишлоқларда мазорлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, дов-дароҳларга эътибор берилади. Уй кўтарилиб, хонадонлар покланади.

Ҳурмат-эътиборли қарияларнинг далага чиқиб, яши ният билан дон селиб беришлари ниҳоятда жозибали. Бу кунлардаги қилинадиган меҳнат кишиларга кўтаринки руҳ, яхши кайфият бағишлайди. Ёшларга ибрат бўлади.

Ҳўйин-қулги, спорт мусобақалари ташкил этилади. Лола сайли, аскиябозлар гуруҳи, полвонлар беллашуви ва дорбозлар, қизикчилар томошалари, лапар, ашула ва рақс танловлари, тез айтиш ва топишмоқ ўйнаш, оловдан сакраш, улоқ, от пойгаси ва бошқа халқ ижодиётининг намуналари Наврўзга ўзгача файз бағишлайди.

Ҳалим, сумалак Наврўзнинг гултожидир. Ҳаётбахш кўклам таомларини тайёрлаш жараёни, қозон бошида «сеҳрорлик» қилаётган отахонлар (ҳалимда), онахонлар (сумалакда) ва бошқа ёш-яланлар, туни билан миҳжа қокмай чиққан сипо «ҳалимчи»ларнинг сирли ҳаракатлари-ю, «сумалак»чиларнинг ўйин-қулги, лапарлари, айтишувлари - буларни сўз билан таърифлаш қийин. Бундай эзгулик қатнашчиларининг диллари яйроб ҳам ички дунёси покланади, ҳам руҳлари энгил тортади. Ана шунинг учун бўлса керак, Наврўз кунлари қодидан то шу пайтагача бирорта жиноят содир бўлмаган... Аксинча, ўзаро низолашган одамлар ярашишган, гина-қудуратлар унут бўлган, инсон меҳри тобланган. Бу кунларда ҳатто довлотлар орасидаги урушлар ҳам тўхтатилган.

Қишдан кейинги илик узилди пайтидаги ичи лик тўла витаминдан иборат бир пиёла сумалагу икки қошиқ ҳалимнинг, кўк сомсаю чўчваранинг берадиган ҳаётбахш кучини таърифлаб бўлармикан?

Наврўз танталари доимо деҳқончилик, ҳунармандчилик, санъат ва жисмоний баркамолликнинг ҳам ўзига хос намоиши бўлиб келган. Халқ сайилларида ҳунармандлар ўзлари ясаган ажойиб ашёларини, пазандалар ширинлик ва онавий таомларини, полвон ва чавандозлар куч-қувват ва маҳоратини, чаққонликларини намоиш этганлар, қизлар ва келинчақлар Наврўз танталарига атаб махсус либослар, кашта ва рўмолчалар тикканлар, уларга гул нақшларини туширганлар.

Қизикчи ва дорбозлар, сўз усталари, шоир ва бахшилар, аскиячилар, қўғирчоқбозлар, раққосаю ҳофизлар сайл аҳлининг кўнглини ҳўшунд этганлар.

Она табиат кўйида ўтказиладиган ёру биродарлар, қариндош-уруғлар, оила аъзолари, борча ёшу қари қатнашган байрам танталари одамларининг бир-бирига меҳр-оқибатини кучайтирган, улар қалбини янада пок, дилларини чароғон қилган.

Ж.ШАРОФБОВ тайёрлаган.

ҚИЗЛАР
(ҳазин)

*Қизик-қизик қизлар борда жаҳонда,
Бир сўз қотсанг тўрт сўз тахалл қўяди.
Билмайсан қандай тахмин - гўмонда,
Яхши затни ёмонликка жўяди.*

*Бир қизларки ёқар ҳўлу қуруқни,
Қойиллатар пўписани ва дўқни.
Муҳофаза қила туриб ҳўқуқни,
Ишқ ҳўқуқин поймол қилиб қўяди.*

*Биз қизларки сочин майда тарашган,
Сарвдек қоматиға мундир ярашган.
Ошиқ шофёрлардан ҳўжжат сурашган,
Юрагин кўрсатса «қўзин ўяди».*

*«Ҳой яхши қиз соат неччи?» деганда,
Пайқамабман, бу жиноят экан-да.
Пўписангиз дилга ботди тикандай,
Шундан бери бечора дил қўяди.*

*Ўз-ўзимга дейман: Йўлдош қўлоқ сол,
СўМ яқин-қу, битта соат сотиб ол.
Агар яна такрор бўлса бу аҳвол,
Бу қиз сени пичоқсиз ҳам сўяди.*

Йўлдош ПАРДА.



Бунча нафис экан бу гуллар. А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

• Тарихга бир назар

Наврўзни нишонлаш Ўрта Осиё ва қатор Шарқ мамлакатларида қодим даврда вужудга келган ҳодиса. У аста шоклана бориб, маълум расм-русм, урф-одат, ҳар кунлик турмуш эҳтиёжлари заминиде таркиб топиб, онаюнага айланган.

Ҳўш, Наврўзнинг ёши нечада, деган саволга турлича жавоблар берилишининг сабаби нимада?

Қатор манбаларда Наврўзнинг кўҳналиги ҳақида ривоятлар келтирилади. Энг тўлиқ маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар Абу Райҳон Беруний (973-1048 йиллар), Умар Хайём (1054-1131) асорларида келтирилади. Берунийнинг «Қадимги халқлардан

БОҚИЙЛИГИН БОИСИ

қолган ёдгорликлар» асарида таъкидланганича: «У кўни наврўз деб аташининг сабаби шунки, Жамшид (қадимги Эрон шохларидан бири) шох бўлгач, мажусийлар динини янгилади ва бу иш қилинган кун, «Наврўз» - «янги кун» деб аталади.»

Умар Хайём ҳам «Наврўзнома» асарида Наврўз нишонлаши ҳақидаги ривоятларни шох Жамшид доврига тақойди. «Жамшид шу кўни фарвардин ойининг боши) Наврўз аталсин, деб фармон берди ва одамларга

ҳар йили фарвардиннинг киришини байрам қилишни, уни янги йил деб ҳисоблашни буюрди», - деб ёзади Умар Хайём.

Хуллас, ривоятлардан икки хил хулоса келиб чиқади: биринчиси - Наврўз билан боғлиқ ривоятларнинг кўпи шох Жамшидга мансуб воқеалардан иборат; иккинчиси - бу ривоятларда Наврўзни белгилашда табиат қонунийларига амал қилингани маълум бўлади.

Наврўз ҳақида турли маълумотлар Маҳмуд Қошғарийнинг

ҳудудларда фаолият кўрсатишди. Уларнинг яна бир вазифаси - жиноятчиларни тутиш ёки уларни ҳибсга олишдан ташқари, профи-

қайта тарбияланмаса, улар жамоат манфаатларига катта зарба беришлари мумкин.

CIS ХИЗМАТИ

кўзда тутилаётган тажриба ўтказилмоқда. Флоридада «CIS» - хусусий хавфсизлик хизмати жорий этилган. Бу атамдан криминал вазиятлар гуруҳи, деб таржима қилиш мумкин. Улар асосан, полиция эътиборидан холи бўлган камбағаллар яшайдиган ва ижтимоий-тенгсизлик юқори бўлган

Уларнинг жиноятчилар кўнглига йўл топиш орқали жиноятчиликнинг олдини олишга ҳаракат қилаётганликлари эътиборга олиқди.

«Биз, аввало, уларга ёрдам қўлини узатамиш, бордию бунчи хоҳламаса, «калталгимиз» мазосини тотиб кўришга мажбур бўлади», - дейди Поуплин.

Тан олиш жоизки, хусусий хизматнинг саъй-ҳаракатлари натижасида жиноятлар сони қарийб тенг ярмига қисқарди.

(Хориж матбуотидан таржима).

• Криминал

Ҳўғирлаб... Ҳўйганиб қолишди Калининградда машина ўғирлаш камдам-кам содир этиладиған воқеа. Бу жиноятнинг урчиб кетмаганлигининг сабаби, шаҳар аҳоли жон бошига машина тақсироти жиҳатидан Москва ва Санкт-Петербургдан кейинги ўрнида туриши бўлса керак.

Лекин, кўтилмаганда пуллик тўхташ жойидан «AUDI-100» автомобилнинг ўғирлаб кетилиши ДАН ҳодимларини шошириб қўйди. Машина эгаси эса Россия Федерацияси Президентининг Калининград вилояти бўйича вакили А.Орлов бўлиб чиқди.

Кўп ўтмай шаҳар кўчаларидан биридан машина топилганлиги ҳақида хабар келди. Афтидан, ўғирлар машина эгаси оддий одам эмаслигини тушуниб, «ўлжаларидан воз кечиб кетган бўлсалар керак.

Байрам арафасида қишлоққа тушдим. Болалигим ўтган бөг кўчада ҳаёл суриб кетаётганим, орқадан мотоциклнинг «пат-пати» эшитилди. Уғирлиб қарасам-собиқ синфдошлардан Жонқобил ярим жилмайиб, ярим хўмрайиб турибди. Таомилга кўра, бел сиқишиб, елкаларга «тап-тап» уриб, «оҳ-воҳ» қилиб қуришган бўлди. Бу орада Жонқобилдаги жилмайиш бутунлай йўқолиб, қовоғи тамомила тўр халта боғлади.

- Қўришмаганимизга ҳам уч-тўрт йилча бўлдиёв, - кўнгли сўрадим дўстимдан. - Ҳа, ўзи тинчликми? Ранги-рўйинг ўчган?!
- Э-э, сўрама, хўражон! - Жонқобил жаҳл билан қўл силқилди. - Елғиз бошимда минг ташиш. Шу топда мазорбошидан келаяпман...

Табиийки, бу гапдан чўчиб тушдим.

- Ҳа-ҳа... Тинчликми? Ёки бирорта қариндош-париндошинг...

- Ҳеч ким ўлган йўқ, - Жонқобил юзига яна жиддий тус берди, - шунчаки, ўй илдин ўлган отанимнинг қабридаги мрамрартошни ўзгартириб келаяпман. Жаҳ-

лигиданок ўзгалардан бир поғона бўлсада юқориққоқ туриш, тўғрироғи, «ном қозониш», машҳур киши бўлиш «хасталиғи» қулф урганди.

Эсимда, окшом пайтлари қишлоқ болалари жам бўлишиб «Такаловлов», «Эшак минди», «Оқсуяк», «Гирвайди» ёки шунга ўхшаш ўйинларни ўйнардик. Шундай кезларда Жонқобил доимо: «Мени отабоши қилиб сайламансанлар ўйнамайман!» дея хархоса қиларди. Гавдасидан чўчирмидик, ёки хамиша чўнтағида лик тўродиган конфет, майиз, туршаклардан мазохўраклигимиз учунми раъйини қайтармасдик. Учинчи синфга ўтганимизда Жонқобил роса бир ҳафта дарсга келмас қўладими! Кейин, маълум бўлдики: «Газалик комиссияси раислигига» сайламаганлигимиз учун орозлаган экан. Тўртинчи синфга ўтганимизда тўсатдан бир кун мактабимизга учин бизиз туфли, кўёш шим, бошга соябанли шляпа, қўлида «зонтик», бўйнида «Пальма» дароҳти устида турган маймун» суратли галстук,

- Мана, марҳамат... Ўқи! Овоз чиқариб, декларация қилиб ўқи! Ниғоҳим ўт-ўланлар билан қопланиб, ярим газча постга чўккан эски қабрга ва унинг четида офтоб нуруларида ялтираб турган янги мрамрартошга тушди. Мрамрартошда шу сўзлар ўйиб битилган эди:

«Мухтаром падари бузрукворим Қаробой ибн Зайниддин қассоб ўғли Бердиқобил Жавпазовнига унинг фарзанди

Туман газетаси адабий уюшмасининг солиқ аъзоси;
«Халқ театри»нинг талантли суфлери;

Туман овчиси уюшмасининг хақиқи аъзоси;
Кўнглили солиқ халқ дружиначиси;

Туман табиатни муҳофиза қилиш жамиятининг жамоатчи аъзоси;

Туман сувга чўкканларни қутқариш отряди аъзоси;

Хўжалик маъмурияти «Тракторчи» деворий газетасининг бош муҳаррири;

Шоир Жонқобил Жумла (Жав-

• Ҳажив

МАРМАРТОШ

лим чиққани, сангарош уста кўнглимдагидек беозак берилганли! Хайратим ошиб, дилимдагини яширолмадим.

- Илгари ҳам отаси қабридаги мрамрартошни икки-уч ангилапти, деб эшитгандим. Яна нимага...

- Нимага... Нимага! - Жонқобил қўлини бошига бизиз қилди. - Қалла борми ўзи?! Нима орадан ўн йил ўтгунча Жонқобил бир жойда қаққайиб қотиб турибди-ми! Бизам, ўсаябимиз, жўра! Жамоат ишларидаги ютуқларим ҳам чакки эмас... Хуллас, шахсий ҳоёлимда бўлаётган ўзгаришлар мени шунга мажбур қилсапти. Энди тушундирсан, овсар! Ҳаёт қонунини бу...

- Тушунмадим, - хақиқатда ҳеч вақони онгломатганим. - Сен бундай билаңдорзоқ сўзларни қўйиб, ўзимизни жайдори тилда гапирсангчи! Ҳаёт қонунини... Шахсий ҳаёт ўзгаришлари...

Жонқобил жаҳл аролаш ерга қаттиқ туфлади.

- Тф-у, бошингда қозондай шляпа бўлсаям, тарикчалик ақлинг йўқ экан. Яна катта бир идора бошлиғи эмиш?! Нимасига тушунмайсан? Ўзинг биласан, отам ўлганда, бор-йўғи техникум талабаси эдим. Кўш-ш, бошловчи шоир деганди... Энди эса, эхе-е... Ҳоётимда катта ўзгаришлар рўй берган. Уқдингми, галвор!

Елка қисганимни кўргач, енгилдан тортилади.

- Қони, мотоциклга ўтир! Овсар эмас, ачиб кетган анқов экансан! Бориб ўз кўзинг билан кўр-чи, зора ўшанда фаҳминг етса...

Ноилоҳ мотоциклга мингашдим. Йўлга тушдик. Жонқобил ҳақида ўйлаб кетаяпман...

Ҳаётда галати дейдимни, ўзига хос дейдимни, хуллас, шу тахлитдаги инсонлар ҳам учраб туради. Жонқобилни ўша тоифдоғиларга менгаш, қиёслаш мумкинди. Мансабдор оилада тувибли ўсганлигидани, унда ҳам боло-

ёқасида энасининг «Қаҳрамон она» медалини таққон қўйи таширф буюрди.

Муаллимнинг дашномига ҳам беларво ҳолда: «Барибир катта бўлсам, машҳур одам бўлиб кетаман. Шунга ҳозирдан тайёрлар кўрабман!» дея жавоб берганди.

Ўрта мактабни тугаллаб, кетма-кет икки-уч маротаба «юр-фак», «журфак»лардан йиқилганда ҳам у ўз феъл-атворини ўзгартирмади. Уша йиллари ном қозониш учун туман газетаси қошидаги ёш хавосқор қаламкашлар тўғралига ёзилди. Халқ театрида суфлёр бўлиб ишлади...

Аммо, тақдирнинг кажрофторлиғи, толе Жонқобилга жилмайиб ҳам боқмади. Отасининг мансабдан қурилгани» етмагандай, тез орада ўзи ҳам оллақайиш шоирнинг беш йил бурун матбуотда чоп этилган шеърини «кўчириб» газетанда бостириганлиги учун адабий тўғрақ аъзолигидан маҳрум этилди...

Кейинчалик билдимки, Жонқобил рўзгоринг «қора қозонини қайнатиш учун қолхоз трактор паркига механик-ёрдамчи бўлиб ишга жойлашди.


Бирок, у ҳақон ўша мен билган Жонқобилгича қолганди: бошида одатда актёр, россолмор қиядиган бюретка - қалпоқ, эғнида жинси костюм-шим, бўйнида ялтироқ бўйинбоғ, қўлида гайка-кључлар солинган «дипломат» чемоданча ... қишлоқ кўчасидан викор-салобатда юриб ўтарди. Ушандан буён мана, яна ородан беш-олти йил ўтиб, у билан юз кўришиб...

- Етдик, туш!

Ҳаёлимга тароқ урилди. Қарасам, қишлоқ четидоғи қабристон эстагиде турибмиз. Елғизоёқ йўл билан тепалик томон кўтарилидик. Ташбақа қосасидек дўмпайган қабрлар оралаб борарканимиз, Жонқобил кескин тўхтади, сўнг қўлини олдинга чўзганча деди:

Муҳаммад ОЧИЛ.

КРОССВОРД



Энига: 1. Хуқуқ соҳаси ходими. 4. Жамоатчилик тинчлигини таъминловчи (идора) орган. 9. Аён, маълум. 11. Жинойат турларидан бири. 13. Яқун, оқитоб. 14. Сотувчи томонидан харидорга товар жўнатилаганлиги ҳақида хат. 15. Бадий санъат тури. 17. Сўнги макон. 20. Санъаткор. 22. Қиъа вақили. 25. Ички қалъа, қароргоҳ. 26. Чаённинг қуроли. 28. Адабиётда вазнлардан бири. 29. Мехнат берувчи субъект. 30. Пойтахтимиздаги футбол жамоалардан бири. 31. Фойдали баҳорги кўкат. 32. Искандарнинг суюкли ёри. 35. Христиан дини пешвоси. 37. Хужжатнинг бирор юридик шахсга тегишлилигини билдирувчи белги. 38. Хунор, хунордан ривзин... 39. Ўлчов бирлиги. 41. Таъсир, натижа. 43. «Авестода баён этилган урғу бошлиги. 46. Йўлдош, эргашувчи. 48. Миллий безак, тикувчилик маҳсули. 51. Ватан бошланган жой. 53. Усиз сувда сузмайди. 54. Маҳбўсларни ушлаб туриш жойи. 56. Файрат, жўшқинлик. 57. Миллий таом, қийма. 58. Сизтл билан биродарлашган шаҳар. 59. Тўлқин тутғич.

Бўйига: 2. Тушунтириш, аниқлик. 3. Ёлланма ишчи, кўшчи. 5. Пайгамбарларимиздан бири. 6. Йирик мансабдорга ҳаёя этилган ери. 7. Хавфли жинойати. 8. «Қинғир» доромадли ўйин. 10. Қатор, тизим. 12. Қомил, муқаммал. 13. Тубдан яшилтош, ўзгартириш. 16. Кўпчилик, халқ. 18. Республикаимиздаги эстрада гуруҳи. 19. Бўлим, бошқорув ташкилотининг бир қисми. 20. Хисса, улуш асосида иш олиб борувчи жамият. 21. Душман. 23. Хавос, ният. 24. Валюта курслари орасидаги фарқ. 25. Жамиятдаги тартибсизлик, бебошлик. 27. Қишлоқ хўжалиги ишчиси, деҳқон. 32. Футбол юлдузи. 33. Дўст, биродар. 34. У Олтирқини дунёга танитган. 36. Муз устидаги жанг. 40. Туркиядаги қадимий шаҳар. 42. Қасам. 44. Бир давлатнинг бошқа давлат вақилини қабул қилиши тўрисидаги розилиги. 45... жой топилса тўрида нима бор. 46. «Алломи» дostonидаги салбий образ. 47. Тили ёрғувчи неъмат. 49. Эрон халқи ва мамлақати. 50. Хужжатларни сақлаш жойи. 52. Жанжал, келишмовчилик. 55. Ўлчов, оғирлик.

Тузувчи: Х. ТҲАТИСИНОВ.

Газетанинг ўтган сониде берилган кроссворд жавоблари:

Бўйига: 1. Ойбечак. 2. Олдуз. 3. Шаршора. 4. Умархон. 5. Санам. 6. Қоршилар... 8. Анор... 9. Жуна. 12. Озода. 13. Ситам. 14. Қумар. 15. Манас. 17. Мағни. 18. Ниҳол. 21. Упа. 23. Роз. 28. Талок. 29. Иффо. 30. Аилин. 31. Хоним. 32. Лайли. 33. Ақида. 37. Лаган. 39. Елена. 40. Гилам. 41. Ланар. 42. Палос. 43. Садаф. 44. Оброз. 45. Антил. 51. Учқоқбоши. 52. Ароба. 52. Иҳота. 55. Адиба. 56. Ишора. 57. Аҳмедова. 58. Гулзама. 59. Ноз. 60. Алиша. 61. Тасниф. 62. Тун. 63. Еронгул. 65. Расмчи. 70. Гина. 72. Аччиқ.

Энига: 1. Қомилова. 10. Мухаббат. 11. Раъно. 13. Сурма. 14. Қумуш. 16. Ромон. 19. Феруза. 20. Ашуро. 22. Тарих. 24. Амийри. 25. Агата. 26. Мезон. 27. Актриса. 31. Хиллари. 34. Фол. 35. Най. 36. Хона. 39. Леда. 40. Гал. 44. Она. 46. Гина. 47. Банк. 48. Пул. 49. Дур. 50. Тумарис. 54. Фозилат. 58. Гана. 61. Тўғиё. 64. Оро. 66. Ибо. 68. Оқитоб. 69. Лағзи. 71. Санчо. 73. Бармен. 74. Асака. 75. Ишонч. 76. Андоза. 77. Майна. 78. Ишонсиз. 79. Усмонова.

Адлия вазирлиги ҳузуридоғи Республика ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази жамоаси ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Тошкент Давлат юридик институти криминалистика кафедрасининг доценти

ОЧИЛ

Ўробо Очиловичнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига ҳамдардик билдириб, чўқур таъзия изхор этади.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Хуқуқ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яёв Фуломов кўчаси, 66-уй.

Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолик АБДУРАЗОҚОВ

Тахрир ҳайъати: Асрор Аҳмаджонов, Дилшод Исмолов (масъул қотиб), Мэлс Наимов, Ортиржон Холматов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев.

Муаллифларнинг фикри тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Қўйиб босилганда «Хуқуқдан олинганлиги» кўрсатилиши шарт.

«Хуқуқ» оригинал макети.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюқ Турон кўчаси - 41. Бичими А-3. Буюртма Г-0230. Нусхаси - 22014.

Навбатчи: **М. Боллиева**

1 2 3 4 5 6

Газета **PENTIUM - II mmx** компьютерида саҳифаланди.

Сотувда эркин нарҳда.

Бошига топшириш вақти: **20.00**
Босмаҳонага топширилди: **20.00**